

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан  
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1879-ҳадис**

1879 – وَعَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عَجَبَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ مِنْ قَوْمٍ يَدْخُلُونَ  
الْجَنَّةَ فِي السَّلَاسِلِ». رَوَاهُمَا الْبُخَارِيُّ.

مَعْنَاهُ: يُؤَسَّرُونَ وَيُعَيَّدُونَ ثُمَّ يُسَلَّمُونَ، فَيَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ.

1879. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Жаннатга занжирбанд кирадиган қавмдан Аллоҳ ажабланди»,  
дедилар».**

*Икковини Имом Бухорий ривоят қилдилар.*

**Шарҳ:** «Жаннатга занжирбанд кирадиган қавм» деганда кофирларнинг қўлига асир тушиб қолиб, ҳалок бўлган мусулмонлар ёки Бадр жангида кофир ҳолида асир тушиб, занжирбанд бўлган, кейин Исломга, яъни жаннатга кирганлар назарда тутилган.

«Ажабланиш» феъли Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилганда ҳайратда қолиш эмас, қизиқ санаб, хушнуд бўлиш маъноси тушунилади. Бунда Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бир сифатини ифодалашда инсонларга тушунтириш, уларнинг зеҳнларига яқин келтириш учун «ажабланиш» сўзи ишлатилган бўлади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



